

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2020 ЙИЛ
ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ**

Термиз – 2020 й.

СҮЗ БОШИ

Сурхондарё вилоятининг статистик ахборотномаси Сурхондарёнинг ижтимоий–иктисодий ривожланиши, иктисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи вилоят статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2020 йил январь–сентябрь ойлари якунлари бўйича Сурхондарё вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда 2020 йилнинг I чорагидан бошлаб, ҳисбот даври учун статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иктисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Сурхондарё вилоятининг иктисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ–2) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иктисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ–2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг B,C,D,E,F секциялари). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иктисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгилangan таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади (Секция А “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги”).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иктисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иктисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 13 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиктисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иктисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Статистика ахборотномасида саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташки савдо, улгуржи ва чакана савдо, нарх, меҳнат бозори ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

МУНДАРИЖА

Номи	бет.
АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КҮРСАТКИЧЛАР	6
I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ	7
II. САНОАТ	12
III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ	29
IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ	40
V. ХИЗМАТЛАР	56
VI. ТРАНСПОРТ	64
VII. ИСТЕЙМОЛ БОЗОРИ	67
VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР	75
IX. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК	82
X. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ	98
XI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ	113
XII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ	127
XIII. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ	129

Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	—	ялпи ҳудудий маҳсулот	0,0	—	катта бўлмаган миқдор
%.	—	фоиз	м.	—	марта
млрд.	—	миллиард	—	—	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.	—	МИЛЛИОН	га	—	гектар
млн. АҚШ долл.	—	МИЛЛИОН АҚШ доллари	т	-	тонна
МИНГ	-	МИНГ	дона	-	дона
кв.	—	квадрат	йўловчи/км	—	йўловчи-километр
км.	—	километр	Мбит/с	-	Мегабит/сония
м	—	мётр	¹⁾ , ²⁾ , ³⁾	—	изоҳнинг мавжудлиги
ф.п.	-	фоиз пункт	ф.д.	-	фоиз даража

Асосий иқтисодий қүрсаткичлар
2020 йил январь-сентябрь


	<i>Млрд. сўм</i>	<i>2019 йил январь- сентябрига нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Ялпи ҳудудий маҳсулот	17122,6	103,1
Саноат маҳсулоти	3414,3	110,1
Истеъмол товарлари	1326,5	97,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	14042,5	104,7
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	5 062,6	82,5
Курилиш ишлари	3 389,7	104,2
Юк айланмаси (млн. тн-км)	698,7	103,1
Йўловчи айланмаси (млн.йўловчи-км)	4094,6	90,3
Чакана товар айланмаси	8538,6	92,3
Хизматлар, жами	5645,4	102,3
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл.)	286,6	72,8
Экспорт	151,7	81,4
Импорт	134,9	65,1
Сальдо (+;-)	16,8	x

I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-сентябрида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 17 122,6 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даври билан таққослагандага 3,1 % га ўсди. ЯҲМ дефлятор индекси 2019 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 107,2 фоизни ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) - миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент - институционал бирликлар ишлаб чиқарии фаолиятининг якуният натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқарии усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соғ солиқлар иигиндиси орқали ҳисобланади.

Январь-сентябрь ойларида ЯҲМ нинг физик ҳажм ва дефлятор индекслари динамикаси қўйидаги маълумотлар билан ифодаланади (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да):



ЯҲМ дефлятор индекси – ҳудуд иқтисодиётидаги нархларнинг ўртача ўзгаришини ифодалайди ва номинал ЯҲМнинг (амалдаги нархлардаги жорий давр ЯҲМ) реал ЯҲМ га нисбатининг тавсифи.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 6 465,7 минг сўмни ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 100,9 фоизни ташкил этди.

**2020 йилнинг январь-сентябрида иқтисодий фаолият турлари бўйича
ЯҲМнинг ишлаб чиқариш усули билан ҳисобланган таркиби**

	Млрд. сўм		Физик ҳажм индекси, % да	ЯҲМ ўсишидаги ҳиссаси, %
	2019 й.	2020 й.		
ЯҲМ - жами	15 489,9	17 122,6	103,1	3,1
<i>ишу жумладан:</i>				
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	14 816,7	16 668,7	103,1	3,1
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	7 655,7	8 393,7	104,6	2,4
саноат	996,6	1 268,7	110,1	0,7
курилиш	1 286,7	1 494,6	104,2	0,4
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 292,4	1 418,1	97,4	-0,2
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	679,2	718,5	99,6	0,0
бошқа хизмат тармоқлари	2 906,1	3 375,1	99,7	-0,1
Маҳсулотларга соғ соликлар	673,2	453,9	103,2	0,1

Иқтисодий ўсиш суръати миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқdir. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (кейинги ўринларда ЯҚҚ) ҳажми ЯҲМ умумий ҳажмининг 97,3 % ини ташкил этди ва 3,1 % га ўсади (ЯҲМ мутлоқ ўсишига таъсири 3,0 фоиз пунктни ташкил этди). Маҳсулотларга соғ соликларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 2,7 % ни ташкил этди ва 3,2 % даражасида ўсиш қайд этилди (ЯҲМ мутлоқ ўсишига таъсири 0,1 ф.п.).

**2020 йил январь-сентябрь учун ЯҲМ нинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари, %да**




ЯҲМ ўсиш суръатига қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги энг катта таъсир кўрсатди (50,4 ф.п.) ва бу соҳа ўтган йилнинг январь-сентябрига нисбатан 2,5 % га ошди. Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши – 8,5 % ни, қурилиш – 9,0 % га, саноат – 7,6 % ни, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 4,3 % ни ва бошқа хизматлар – 20,2 % ни ташкил қилди.

2020 йил январь-сентябрь яқунларига кўра, саноат тармоғида ҳам 10,1 % даражасида ижобий ўсиш суръати қузатилди. Мазкур тармоқдаги ўсиш суръати хисобидан ЯҲМ нинг 0,7 ф.п. ўсиши таъминланди.

Қурилиш тармоғининг ўсиш суръатлари 4,2 % ни ташкил этди. ЯҲМ нинг мутлоқ ўсишида саноат тармоғининг ижобий ҳиссаси 0,4 ф.п. даражасида баҳоланди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби



2020 йил январь – сентябрда ЯҲМ таркибида саноат (қурилишни қўшган ҳолда) соҳасининг улуши 16,6 фоизни ташкил қилди, бу эса 2019 йил январь – сентябрга нисбатан 1,1 ф.п. га ошди (15,4 фоиз). Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши -0,2 ф.п. га, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматининг улуши -0,3 ф.п. га камайган, хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 0,6 ф.п. га кўпайган.

Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ тармоқлари таркибидаги улуши 2020 йил январь – сентябрда – 8,5 % ни (2019 йил январь – сентябрда – 8,7 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 4,3 % ни (4,6 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 20,2 % ни (19,6 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда):**

2019 йил январь-сентябрь



2020 йил январь-сентябрь



- Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- Хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

II. САНОАТ

Сурхондарё вилоятининг саноат ишлаб чиқариши (2020 йил январь-сентябрь)



Дастлабки маълумотлар бўйича 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят корхоналари томонидан 3 трлн. 414,3 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индекси* 110,4 % ни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқариш таркибида энг катта улуш ишлаб чиқаридиган саноат ҳиссасига тўғри келиб, унинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши (87,5 %) ни ташкил этди.


Асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш

Жами саноат ишлаб чиқариш физик ҳажми пасайишининг асосий омили бўлиб тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш саноатида - 14,6 % га ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда - 18,3 % га пасайиш кузатилди.

Ишлаб чиқаридиган (қайта ишлаш) саноатнинг эса - 16,2 % га ҳамда электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг - 10,0 % га ўсиши кузатилди.

*Саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индекси ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмининг таққосланадиган даврлардаги ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткичdir.

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатининг жами саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуши



Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан 2020 йилнинг январь-сентябр ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 157,5 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 4,6 % ини ташкил этди.


Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашда йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан чақиқ тош - 1,7 марта, табий қум - 10,1 % га ҳамда ко‘мир қазиб олиш - 11,9 % га ошган бо‘лса, нефт қазиб олиш - 3,2 % га, қаттиқ туз (ош тузидан ташқари) - 23,5 % га, ёдгорликлар, пардозлаш ёки қурилиш ишлари учун гранит, қумтош ва бош-қа тошлар - 50,8 % га пасайган.




Саноат маҳсулотлари	2019 йил январь-сентябрь	2020 йил январь-сентябрь	Фарқи +/-
<i>Кўмир, минг т.</i>	173,3	193,9	20,6
<i>Нефт, минг т.</i>	62,0	60,0	-2,0
<i>Қаттиқ туз (ош тузидан ташқари), минг т.</i>	22,7	17,4	-5,3
<i>Қум, минг т.</i>	36,6	40,3	3,7
<i>Чақиқ тош, минг т.</i>	52,7	90,5	37,8
<i>Ёдгорликлар, пардозлаш ёки курилиши ишлари учун гранит, қумтош ва бошқа тошлар, минг т.</i>	2,8	1,4	-1,4

Ишлаб чиқарадиган саноат




Ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, % да

Ўтган йилнинг мос даври билан солиштиргандага ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги юқори технологияли тармоқнинг улуси 0,2 % ни (2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида - 0,1 %), ўрта-юқори технологияли - 0,4 % (0,5 %), ўрта-қуий технологияли - 23,1 % (25,1 %) ва қуий технологиялиси - 63,9 % (58,8 %) ни ташкил этди.



Жами ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, ярим притсеплар ва бошқа тайёр буюмларни ишлаб чиқариш соҳасининг улуси - 5,8 % (2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида нисбатан физик ҳажм индекси - 105,5 %), металлургия саноатининг улуси - 0,6 % (2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида нисбатан физик ҳажм индекси - 153,7 %), тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуси - 41,9 % (2019- йилнинг январь-сентябрь ойларида нисбатан физик ҳажм индекси - 146,3 %), озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуси - 28,3 % (2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида нисбатан физик ҳажм индекси - 102,5 %), кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқаришнинг улуси - 0,6 % (2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида нисбатан физик ҳажм индекси - 134,5 %) ни ташкил этди.

Ишлаб чиқардиган саноатда айрим турдаги маҳсулотларнинг ўсиш суръати




2020 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида ишлаб чиқардиган саноатда 15,1 минг тонна пахта толаси (2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 26,7 м.), 25,8 минг тонна йигирилган ип (123,5 %), 102,1 минг тонна ун (121,6 %), 128,6 минг тонна Портландцемент, 5,7 тонна тозаланган пахта ёги (129,7 %) ишлаб чиқарилиб, юқори ўсиш суръатлари кузатилди.

Ишлаб чиқардиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш

Саноат маҳсулотлари	2019 йил январь-сентябрь	2020 йил январь-сентябрь	Фарки +/-
Пахта толаси, минг т.	0,6	15,1	14,5
Тозаланган пахта ёги, минг т.	4,4	5,7	1,3
Ун, минг т.	83,9	102,1	18,2
Портландцемент, минг т.	-	128,6	128,6
Дизел ёқилгиси, минг т.	8,4	1,8	-6,6
Сут, т.	340,6	258,5	-82,1
Сариеёз, т.	1,0	3,3	2,3

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш




Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 214,8 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг (6,3 % ини) ташкил этди.

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида, саноатнинг мазкур тармоғида электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш, буғ билан таъминлаш тизимлари ва ҳавони кондициялаш ўтган йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажм индекси - 10,0 % га ошганлиги кузатилди.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳасида йирик саноат корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Саноат маҳсулотлари	2019 йил январь-сентябрь	2020 йил январь-сентябрь	Фарқи +/-
Электроенергия, млн.кВт/с	2,27	0,004	-2,27
Иссиқлик энергияси, минг гкал	44,1	26,2	-17,9

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш



Истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулот турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар натижасида, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1 трлн. 326,5 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 97,5 % ни ташкил этган ҳолда, унинг жами саноатдаги улуши 38,9 % ни ташкил этди.



2019 йилнинг мос даврига нисбатан солиштирганда 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида озиқ-овқат маҳсулотларнинг улуши 50,0 % дан 53,9 % гача кўпайғанлиги қайд этилди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида вино ва ароқ маҳсулотлари ва пиво 3,0 % (2019 йил январь-сентябрь ойларида - 4,3 %) ни ташкил этди.

Худудлар кесимида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг вилоят жами ҳажмидаги энг юқори улуши Термиз шаҳрига тўғри келиб - 22,0 % ни, шунингдек, Денов тумани - 17,5 % ни ҳамда Шўрчи тумани - 15,0 % ни ташкил этди.

Шунингдек, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг ўсиш суръатида вилоят ўсиш суръати (97,5 %) даражасидан юқори кўрсаткич Қумкўргон (138,2 %), Олтинсой (113,3 %), Бандиҳон (111,1 %), Қизириқ (102,4 %), Шўрчи (102,4 %), Музработ (99,9 %), Узун (99,4 %), Сариосиё (99,1 %), Ангор (98,6 %) туманлари ва Термиз шаҳрида (99,7 %) қайд этилди.

**Худудлар бўйича исеъмол маҳсулотлари ишлаб
чиқариш ҳажми, таркиби ва ўсиш суръати
(2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида)**

	Млрд. сўм	Жамига нисбатан улуси, % да	Ўсиш суръати, % да
Сурхондарё вилояти	1326,5	100,0	97,5
Термиз ш.	292,0	22,0	99,7
туманлар:			
Ангор	40,2	3,0	98,6
Бандихон	1,7	0,1	111,1
Бойсун	40,7	3,1	97,0
Денов	231,8	17,5	87,6
Жарқўрғон	99,1	7,5	93,6
Кумқўрғон	60,5	4,5	138,2
Қизириқ	30,3	2,3	102,4
Музработ	25,3	1,9	99,9
Олтинсой	53,8	4,1	113,3
Сариосиё	60,1	4,5	99,1
Термиз	85,3	6,4	92,3
Узун	44,7	3,4	99,4
Шеробод	61,9	4,7	83,6
Шўрчи	199,1	15,0	102,4

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 582,5 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги тутган улуши 17,1 % ни ташкил этди.

Сурхондарё вилояти ҳудудлари кесимида саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари


	2020 йил январь-сентябрь млрд. сўм	Физик ҳажм индекси, % да
Сурхондарё вилояти	3414,3	110,4
Термиз ш.	746,3	107,7

туманлар:

Ангор	75,2	106,3
Бандиҳон	1,7	105,9
Бойсун	55,2	104,3
Денов	462,3	105,2
Жарқўргон	616,2	101,5
Қумқўргон	254,5	159,6
Қизириқ	105,9	102,8
Музработ	89,4	155,6
Олтинсой	56,0	105,4
Сариосиё	217,7	101,1
Термиз	123,0	104,5
Узун	89,1	115,4
Шеробод	240,3	106,6
Шўрчи	281,5	120,3


Сурхондарё вилояти худудлари кесимида ишлаб чиқариш физик ҳажм индекси, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, % да

Вилоят саноат ишлаб чиқариш физик ҳажм индексининг кўпайишига, Қумкўрғон (2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 159,6 %), Музработ (155,6 %), Шўрчи (120,3 %), Шеробод (106,6 %), Денов (105,2 %), Жаркўрғон (101,5 %) туманлари ҳамда Термиз шаҳрида (107,7 %) саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари физик ҳажм индексининг сезиларли даражада кўпайганлиги билан изоҳлашимиз мумкин.



Истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш Қумқўрғон (2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 138,2 %), Олтинсой (113,3 %), Бандихон (111,1 %), Қизириқ (102,4 %), Шўрчи (102,4 %) туманларида юқори бўлди.

Сурхондарё вилояти жами саноат маҳсулотлари ҳажмида ҳудудларнинг улуши, % да



Вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп улуш Термиз шаҳри (Вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 21,9 % и) ҳамда Жарқўрғон (18,0 %), Денов (13,5 %), Шўрчи (8,2 %) туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Энг паст кўрсаткич эса Бандихон (0,05 %), Бойсун (1,6 %) ҳамда Олтинсой (1,6 %) туманларига тўғри келмоқда.

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тақсимланиши, йирик саноат корхоналари жойлашганлиги хисобига Термиз шаҳрида (4 127,6 минг сўм), Жарқўрғон (2 808,3 минг сўм), Термиз (1 585,4 минг сўм) ва Шўрчи (1 289,3 минг сўм) туманларида ўртacha Вилоят даражаси кўрсаткичидан (1 289,3 минг сўм) анча юқорилигини кўрсатмоқда.

Вилоят бўйича аҳоли жон бошига истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши 500,9 минг сўм бўлгани ҳолда, Термиз шаҳрида - 1 614,9 минг сўмни, Термиз туманида - 1 098,9 минг сўмни, Шўрчи туманида - 947,9 минг сўмни ва Денов туманида - 598,5 минг сўмни ташкил этди.

**Ахоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари
ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш
(2020 йил январь-сентябрь ойларида, минг сўм)**


	Саноат маҳсулотлари	Истеъмол маҳсулотлари
Сурхондарё вилояти	1289,3	500,9
Термиз ш.	4127,6	1614,9
туманлар:		
Ангор	565,3	301,8
Бандиҳон	23,0	22,7
Бойсун	474,8	350,4
Денов	1193,5	598,5
Жарқўрғон	2808,3	451,5
Кумқўрғон	1080,1	257,0
Кизириқ	924,6	265,0
Музработ	627,7	177,7
Олтинсой	315,0	302,6
Сариосиё	1033,2	285,1
Термиз	1585,4	1098,9
Узун	517,3	259,3
Шеробод	1233,7	317,8
Шўрчи	1340,4	947,9

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда

кичик бизнеснинг улуши

(2020 йил январь-сентябрь ойларида, % да)

Ҳисобот даврида кичик тадбиркорлик субектлари томонидан 1 трлн. 431,8 млрд. сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, унинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 41,9 % ни ташкил этди.




Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Олтинсой, Бандиҳон ва Узун туманларида (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 100,0 % дан), Бойсун туманида (94,8 %), Термиз туманида (91,3 %), Ангор туманида (89,6 %), ҳамда Қизириқ (82,2 %) кузатилди.

Вилоятимиз ҳудудлари кесимида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида кичик бизнес субектларининг улуши таҳлили шуни кўрсатди, Шеробод (24,5 %), Шўрчи (25,1 %), Жарқўрон (28,1 %), Кумқўрон (30,7 %), Музработ (37,1 %), Денов (42,0 %) ҳамда Термиз шаҳри (31,9 %) саноат ишлаб чиқариш ҳажмларидаги кичик бизнес субектлари улушкининг камлигини, мазкур ҳудуларда жойлашган йирик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажмлари юқори эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

**Вилоятда фаолият кўрсатаётган ва янги
ташкил этилган саноат корхоналари
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра)**


Бугунги кунда вилоятда 3919 та саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда, шундан 666 таси (фаолият юритаётган корхоналар умумий сонининг 17,0 %) Термиз шахрига, 472 таси (12,0 %) Денов туманига тўғри келмоқда.



2020 йил январь-сентябрь ойларида вилоятда 1566 та янги саноат корхоналари ташкил этилди, шулардан 221 таси (жами янги ташкил этилган саноат корхоналари ҳажмидаги улуши 14,1 %) Денов туманида, 169 таси (10,8 %) Термиз шахрида, 134 таси (8,6 %) Шўрчи туманида, 128 таси (8,2 %) Кумкўргон туманида ҳамда 122 таси (7,8 %) Олтинсой туманида ташкил этилди.

Шаҳар ва туманлар кесимида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари (2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра)

Бугунги кунда шаҳар ва туманлар кесимида фаолият кўрсатаётган энг қўп саноат корхоналари жойлашган худудлар 5 талигида Термиз шаҳри (666 та) ҳамда Денов (472 та), Қумкўргон (263 та), Шўрчи (258 та) Термиз (254 та) туманлари қайд этилди.



2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра вилоятимизда фаолият кўрсатаётган энг кам саноат корхоналари жойлашган худудлар 5 талигига эса Бандихон (43 та), Кизириқ (182 та), Олтинсой (186 та), Ангор (201 та), Музработ (206 та) туманлари қайд этилди.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлиб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши

Вилоят саноат маҳсулотлари ишлиб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлиб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мазкур дастур доирасида киритилган 22 та лойиха бўйича 24,8 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлиб чиқарилди ва 144 та янги иш ўринлари яратилди.


**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар
ишлиб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг
асосий кўрсаткичлари**

	2019 йил январь-сентябрь	2020 йил январь-сентябрь
Лойиҳалар сони, бирлик	8	22
Корхоналар сони, бирлик	8	22
Ишлиб чиқариш ҳажми, млрд. сўм	17,2	24,8
Экспортга қилинган		
маҳаллийлаштирилган		
маҳсулот ҳажми, млн. АҚШ долл.	0,3	0,0
Яратилган янги иш ўринлари,		
бирлик	195	144


III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2020 йил январь-сентябрда ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 14042,5 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 104,7 фоизни, шу жумладан, дехқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 13904,4 млрд. сўмни, ўрмончилик хўжаликларида 110,0 млрд. сўмни (101,1 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 28,0 млрд. сўмни ташкил қилди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (кўрсатилган хизматларнинг) ишлаб чиқариш ҳажми худудлар кесимида



Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматларнинг) ишлаб чиқаришнинг ҳажми ҳудудлар кесимида тақсимланиши
 (вилоят ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)




Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳажми хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши
 (% да)




Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 76,0 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 20,7 фоизи фермер хўжаликларига ва 3,3 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келмоқда.

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳажми хўжалик тоифалари бўйича худудлар кесимида тақсимланиши
(% да)**



Деҳқончилик. 2020 йил январь-сентябрда деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 7454,2 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 105,0 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 53,8 фоизни ташкил этди.

Деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши
(фоиз ҳисобида)



Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар умумий ҳажмининг 61,2 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 34,3 фоизи фермер хўжаликларига ва 4,6 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

2020 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари


	Барча турдаги хўжаликлар		шу жумладан					
			фермер хўжаликлари		деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг тонна	ўсии суръати, %да	минг тонна	ўсии суръати, %да	минг тонна	ўсии суръати, %да	минг тонна	ўсии суръати, %да
Дон экинлари	623,2	110,3	464,8	103,1	83,8	99,8	74,6	2,8 м.
Картошка	286,6	101,6	5,8	100,9	280,2	101,3	0,7	131,6
Сабзавотлар	834,0	102,8	44,5	120,6	767,6	100,0	21,9	3,2 м.
Полиз	195,7	102,0	15,3	100,1	179,2	101,9	1,2	145,4
Мева ва резаворлар	116,4	101,5	25,0	104,8	90,1	100,8	1,4	92,9
Узум	80,2	102,5	36,8	101,8	41,5	100,7	1,9	2,1 м.

Ҳосил йигими. 2020 йил январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 623196 тонна дон ва дуккакли дон экинлари (110,3 фоиз), 286598 тонна картошка (101,3 фоиз), 833996,0 тонна сабзавот (102,8 фоиз), 195695 тонна полиз (102,0 фоиз), 116381 тонна мева ва резаворлар (101,5 фоиз) ва 80229 тонна узум (102,5 фоиз) етиширилди.




Барча ҳудудларда дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан дехқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, дон экинлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 93,8 фоизни, картошка 99,8 фоизни, сабзавот 97,4 фоиз, полиз 99,4 фоизни, мевалар 98,8 фоиз ва узум ишлаб чиқаришда 97,6 фоизни ташкил этди.

Асосий турдаги дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши




2020 йил январь-сентябрь ойларида худудлар кесимида асосий турдаги дәхқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш (минг тонна)



■ Дон экинлари ■ Картошка ■ Сабзавотлар





Чорвачилик. 2020 йил январь-сентябрда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш хажми 6395,7 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 104,2 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий хажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 46,2 фоизни ташкил этди.


2020 йил январь-сентябрда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн хисобида 133,6 минг тонна гўшт (2019 йил январь-сентябрига нисбатан 4,9 фоизга кўп), 570,2 минг тонна сут (2,8 фоизга кўп), 299,7 млн. дона тухум (6,4 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.



**2020 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган
асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари**


	Барча турдаги хўжаликлар		шу жумладан					
			фермер хўжаликлари		дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг тонна	ўсии суръати, %да	минг тонна	ўсии суръати, %да	минг тонна	ўсии суръати, %да	минг тонна	ўсии суръати, %да
Гўшт, тирик вазнда	133,6	104,9	7,0	107,6	125,5	104,5	1,0	151,0
Соғиб олинган сут	570,2	102,8	14,2	109,5	553,6	102,7	2,4	95,5
Тухум, млн. дона	299,7	106,4	16,8	69,4	168,4	102,5	114,6	122,7
Жун, тонна	1801	108,2	352,0	147,9	1390	101,2	59	111,3
Қоракўл тери, дона	9675	101,0	798	98,2	4703	102,5	4174	99,8

**2020 йил январь-сентябрь ойларида чорвачилик маҳсулотлари
ишлаб чиқариш таркиби**
(ишлаб чиқарии умумий ҳажсмига нисбатан фоиз ҳисобида)



Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гүшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуси 99,2 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,6 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 61,8 фоизни ташкил этди.

2020 йил январь-сентябр ойларида барча тоифадаги хўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби



2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига 2019 йилнинг шу даврига нисбатан йирик шоҳли қорамоллар 101,1 фоизга (жами 916,6 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 101,2 фоизга (334,4 минг бош), қўй ва эчкилар 103,3 фоизга (2356,8 минг бош) ва паррандалар 91,3 фоизни (4511,0 минг бошни) ташкил этди.



**2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига ҳўжалик тоифалари бўйича
чорва моллари ва паррандалар бош сони**

	Барча турдаги хўжаликларда	шу жумладан							
		фермер хўжаликларида		дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда			
		минг бош	ўсиш суръати, %да	минг бош	ўсиш суръати, %да	минг бош	ўсиш суръати, %да	минг бош	ўсиш суръати, %да
Қорамоллар	916,6	101,1	45,2	122,2	860,3	100,1	11,1	118,2	
шу жумладан, сигирлар	334,4	101,2	14,7	111,4	316,8	100,5	2,9	138,1	
Қўй ва эчкилар	2356,8	103,3	399,9	110,3	1909,4	101,7	47,5	118,5	
Паррандалар	4511,0	91,3	234,7	17,3	2675,5	108,2	1600,8	144,2	



Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шоҳли қорамолларнинг улуши 93,9 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,9 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 94,7 ва 4,4 фоизни, қўй ва эчкилар 81,0 ва 17,0 фоизни, отлар 72,0 ва 26,1 фоизни, паррандалар 59,3 ва 5,2 фоизни ташкил этди.


**2020 йил 1 октябрь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда чорва моллари
ва паррандалар бош сони (минг боши)**



IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2020 йил январь-сентябрь ойларида Сурхондарё вилоятида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари хисобидан 5 062,6 млрд. сўм, (доллар эквивалентида 0,50 млрд. АҚШ долл.) ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 82,5 % асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди.


**Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиши суръати, % да)**
(2020 йил январь-сентябрь)



2020 йил январь-сентябрида жами асосий капиталга инвестицияларнинг каттақисми, яъни 68,1 % и вилоятнинг олтига ҳудудида, жумладан, Термиз шаҳрида - 16,4 %, Сариосиё туманида - 15,2 %, Бойсун туманида - 10,0 %, Термиз туманида - 9,7 %, Денов туманида - 9,4 % ва Шеробод туманида - 7,4 % ўзлаштирилди.

Қатор ҳудудларда асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди, жумладан, Термиз туманида ўтган йилга нисбатан 128,8 % (асосий капиталга инвестициялар ҳажми 490,6 млрд. сўм), Шўрчи туманида - 116,4 % (228,1 млрд. сўм), Сариосиё туманида 108,8 % (770,2 млрд. сўм), Шеробод туманида - 101,4 % (374,3 млрд. сўм), Денов туманида - 100,3 % (477,4 млрд. сўм).

Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар (2020 йил январь-сентябрь)




2020 йил январь-сентябрда аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича юқори қўрсаткичлар Термиз шаҳрида - 4591,8 минг сўм (ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 59,6 %), мос равища Бойсун туманида - 4349,1 минг сўм (82,8 %), Термиз туманида - 6322,6 минг сўм (179,0 %), Сариосиё туманида - 3655,6 минг сўм (105,5 %), Шеробод туманида - 1921,6 минг сўм (99,1%), Денов туманида - 1232,4 минг сўм (95,6 %) ва Ангор туманида - 1567,3 минг сўм (77,9 %) қайд этилди.

**2020 йил январь-сентябрда асосий капиталга инвестицияларнинг
молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши**

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиши суръати, % да</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
Асосий капиталга инвестициялар	5 062,6	82,5	100,0
<i>ишу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар	1 042,3	89,2	20,6
бюджет маблағлари	456,1	78,2	9,0
Давлат мақсадли жамғармалари	83,1	65,7	1,6
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар	503,1	109,6	9,9
Марказлашмаган инвестициялар	4 020,3	80,9	79,4
корхона маблағлари	601,1	58,6	11,9
ахоли маблағлари	884,3	92,0	17,5
тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар	1769,8	102,9	35,0
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	765,1	60,7	15,1

**Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий
капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши, % да**

2019 йил январь-сентябрь




2020 йил январь-сентябрь



Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 89,2 % ёки 1 042,3 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмининг 20,6 %и ёки ўтган йилдаги кўрсаткичига нисбатан 1,6 % пунктга кўпайган) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди, мос равища, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 4 020,3 млрд. сўм ёки 80,9 %ни ташкил этди.


Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари



2019 йилнинг мос даври билан солиштирганда Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар улуши 2,4% ф.п. га кўпайди.

Республика бюджети ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 456,1 млрд. сўмни ташкил қилди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашмаган
молиялаштириш манбалари**



Марказлашмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 35,0 %), тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари (15,1 %) ҳисобига тўғри келди

Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган иирик давлат аҳамиятидаги ижтимоий инвестиция лойиҳаси:

Дастур бўйича “Ўзшаҳарқурилиши инвест” ИК томонидан шаҳар жойларда арzon кўп қаватли турар жойлар қурилиши.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш
манбалари бўйича таркиби**

	Жами инвести- циялар, млрд. сўм	шу жумладан молиялаштириши манбалари бўйича: (жамига нисбатан, %)				
		Республика бюджети	Давлат мақсадли жамгармалари	Корхона ва аҳоли маъбдаги	Тижорат банк кредитлари ва бонка қарз маъбдаглари	Хоризжий инвестиция ва кредитлар
Сурхондарё вилояти	5062,6	9,0	1,7	29,3	15,1	44,9
Термиз ш.	830,2	10,4	1,0	28,8	31,5	28,3
<i>туманлар:</i>						
Олтинсой	190,8	8,8	0,9	25,6	6,8	57,9
Ангор	208,6	15,1	2,2	27,3	14,1	41,3
Бандихон	25,6	4,7	5,4	67,2	0,0	22,7
Бойсун	505,4	5,5	0,7	21,3	13,3	59,2
Денов	477,4	10,7	1,2	37,3	9,8	41,0
Жарқўргон	246,8	7,2	1,0	41,8	12,4	37,6
Қизириқ	134,8	17,4	1,1	51,5	15,9	14,1
Қумқўргон	197,6	8,9	2,5	31,7	20,7	36,2
Музработ	247,6	5,9	3,8	36,4	16,0	37,9
Сариосиё	770,2	4,3	1,1	21,2	14,4	59,0
Термиз	490,6	12,9	1,7	25,0	12,1	48,3
Узун	134,6	10,0	4,9	38,7	6,0	40,4
Шеробод	374,3	6,0	4,2	33,9	2,8	53,1
Шўрчи	228,1	15,7	0,6	20,0	11,4	52,3

**Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича
технологик таркиби
(2020 йил январь-сентябрь)**

	Жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	5 062,6	805,8	4 256,8
шу жумладан жамига нисбатан % да:			
Курилиш – монтаж ишлари	47,6	84,3	40,6
Машина, ускуна, инвентар	46,0	11,1	52,6
Бошқа харажатлар	6,4	4,6	6,8

Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: Вилоят бўйича курилиш – монтаж ишларининг улуси – 47,6 % ни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар – 46,0 % ни ҳамда бошқа харажатлар улуси – 6,4 % ни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган
асосий капиталга инвестициялар (2020 йил январь-сентябрь)**


	Млрд. сўм	Жамига нисбатан % да	
		Январь- сентябрь 2019й.	Январь- сентябрь 2020й.
Асосий капиталга инвестициялар-жами	5 062,6	100,0	100,0
Шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:			
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	957,1	25,1	18,9
Тоғ - кон саноати	555,3	10,8	11,0
Ишлаб чиқариш саноати	833,8	16,9	16,4
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	198,4	1,0	3,9
сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиши ва утилизация қилиш	190,9	5,1	3,8
курилиш	269,0	3,9	5,3
улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	216,3	3,3	4,3

давоми

	Млрд. сўм	Жамига нисбатан % да	
		Январь-сентябрь 2019й.	Январь-сентябрь 2020й.
Ташиш ва сақлаш	378,2	5,2	7,5
Яшаш ва овқатланиш бўйича ҳизматлар	34,7	1,0	0,7
Ахборот ва алоқа	29,7	0,7	0,6
Молия ва суғурта фаолияти	15,8	0,4	0,3
Профессионал, илмий ва техник фаолият	7,6	1,2	0,2
Таълим	230,7	5,3	4,5
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳизматлар кўрсатиш	148,7	2,0	2,9
Саънат, кўнгил очиш ва дам олиш соҳаси	26,2	0,4	0,5
Жами фаолият турларидан ташқари:			
турар жой қурилишига инвестициялар	803,6	16,1	15,9
Бошқа фаолият турлари	166,6	1,6	3,3

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: тоғ – кон саноатида 555,3 млрд. сўм (жами инвестициялар хажмидаги улуши 11,0 %), шу жумладан хом нефт ва табиий газ қазиб чиқариш фаолият турида 310,6 млрд. сўм, ишлаб чиқариш саноатида 833,8 млрд. сўм (16,4 %), шу жумладан озиқ – овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш 232,5 млрд.сўм (4,6 %), текстиль маҳсулотларни ишлаб чиқариш 79,3 млрд. сўм (1,6 %), бошқа нометал номинерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолият турида 479,8 млрд. сўм (9,5 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 198,4 млрд. сўм (3,9 %), сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш фаолият турида 190,9 млрд. сўм (3,8 %), қурилиш фаолияти турида 269,0 млрд. сўм (5,3 %), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш фаолият турида 216,3 млрд. сўм (4,3 %), ташиш ва сақлаш фаолият турида 378,2 млрд. сўм (7,5 %), ахборот ва алоқа фаолият турида 29,7 млрд. сўм (0,6 %), профессионал, илмий ва техник фаолият турида 7,6 млрд. сўм (0,2 %), таълим соҳасида 230,7 млрд.сўм (4,5 %), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 803,6 млрд. сўм (15,9 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

2020 йил январь-сентябрида иқтисодий фаолият турлари бүйича асосий капиталга инвестициялар таркиби



Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби



Сурхондарё вилояти асосий капиталга инвестициялар бүйича корхона ва ташкилотларни модернизация қилиши, техник ва технологик қайта қуроллантириши, ҳамда кенгайтиришига инвестициялар улуши – 30,7 % ни ташкил этди.

2020 йил январь-сентябрда 2 272,9 млрд. сўм (доллар эквивалентида 0,2 млрд. АҚШ долл.) ёки 2019 йил январь-сентябрга нисбатан 104,3 % асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 44,9 % ни ташкил этди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Сариосиё (20,0 %), Бойсун (13,2 %) ва Термиз туманларида 10,4 % кузатилди.


Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, кредитларни қўшган ҳолда

	Хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, млрд. сўм		Хорижий инвестициялар, нисбатан % да	
	жами	шу жумладан, кредитлар	жамига	асосий капиталга инвестициялар
	2272,9	1405,5	100,0	44,9

Сурхондарё				
вилояти	2272,9	1405,5	100,0	44,9
Термиз ш.	235,0	173,3	10,3	28,3
<i>туманлар:</i>				
Олтинсой	110,5	75,8	4,9	57,9
Ангор	86,2	80,0	3,8	41,3
Бандихон	5,8	1,8	0,3	22,7
Бойсун	299,0	40,7	13,2	59,2
Денов	195,6	180,5	8,6	41,0
Жарқўргон	92,7	69,0	4,1	37,6
Қизириқ	19,0	18,8	0,8	14,1
Қумқўргон	71,5	67,5	3,1	36,2
Музработ	93,9	32,3	4,1	37,9
Сариосиё	454,2	318,4	20,0	59,0
Термиз	237,1	163,9	10,4	48,3
Узун	54,3	35,4	2,4	40,4
Шеробод	198,7	84,8	8,7	53,1
Шўрчи	119,4	63,3	5,3	52,3

Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2020 йил январь-сентябрда 1 769,8 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,9 % га ошди.

Айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби



Жорий даврда ҳам асосий капиталга хорижий инвестициялар ва кредитларнинг катта қисми қайта ишлаш саноати ўзлаштирилиб, 718,1 млрд. сўмни ёки жами хорижий инвестиция ва кредитлар хажмида 31,6 %ни ташкил этди.

Хажм жиҳатдан кейинги ўринда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги фаолияти эгаллаган. Ушбу фаолият тури бўйича 553,3 млрд. сўм ёки жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 24,3 %и ўзлаштирилди.

Ахборот ва алоқа фаолияти бўйича 19,6 млрд. сўм хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилган.

Ижтимоий соҳа обьектларининг қурилиши

Жами асосий капиталга инвестицияларда турар жой қурилишига ўзлаштирилган инвестициялар 803,6 млрд. сўмни ёки жами инвестициялар ҳажмида 15,9 % ни ташкил этди.

Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига турар жойлар ва ижтимоий обьектларни ишга тушириш

	<i>Барча молиялаштириши манбалари ҳисобидан:</i>			
	<i>Ишга туширилди</i>		<i>ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да</i>	
	<i>жами</i>	<i>жумладан қишлоқ жойларда</i>	<i>жами</i>	<i>жумладан қишлоқ жойларда</i>
Турар жойлар умумий майдони, минг кв. м.	841,8	648,3	102,7	102,6
<i>улардан:</i>				
якка тартибдаги турар жойлар	819,3	625,8	104,2	103,4
намунавий лойиҳалар асосида шахар ва қишлоқларда қурилган якка тартибдаги турар жойлар	22,5	22,5	-	-
Касалхоналар, ётөк	-	-	-	-
Поликлиникалар (ҚВП ларни қўшган ҳолда), қатнов	-	-	-	-
Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар, ўқувчи ўрни	6828	4036	97,4	86,1
Умумтаълим ва ихтисослаш- тирилган мактабларни капитал тамирлаш, бирлик	8	2	-	-
Сув тармоғи, км	5,9	1,7	-	-
Газ тармоғи, км	-	-	-	-

2020 йил январь-сентябрда умумий майдони 841,8 минг кв. м. (2019 йилнинг мос даврига нисбатан 102,7 %) бўлган 4662 та тураг жойлар, жумладан 648,3 минг кв.м. (102,6 %) қишлоқ жойларда ишга туширилди.

2020 йил январь-сентябрь ойларида ишга туширилган тураг жойлар

	<i>Ишга туширилди, жами</i>		<i>Улардан: якка тартибдаги тураг жойлар</i>	
	<i>минг кв.м</i>	<i>ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати, % да</i>	<i>минг кв.м</i>	<i>ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати, % да</i>
Сурхондарё вилояти	841,8	102,7	819,3	104,2
Термиз ш.	47,0	55,2	47,0	59,9
<i>туманлар:</i>				
Олтинсой	12,0	87,6	12,0	106,2
Ангор	34,5	103,3	34,5	107,1
Бандиҳон	21,9		21,9	
Бойсун	72,6	101,3	72,6	104,2
Денов	122,9	149,0	122,9	153,2
Жарқўргон	68,4	81,8	67,3	82,5
Қизириқ	34,2	62,4	34,2	64,3
Кумқўргон	45,2	120,2	45,2	129,5
Музработ	70,0	115,3	70,0	118,2
Сариосиё	105,9	158,3	105,9	172,8
Термиз	69,6	142,6	48,2	101,5
Узун	12,9	82,2	12,9	84,3
Шеробод	91,9	93,9	91,9	95,9
Шўрчи	32,8	48,8	32,8	50,0

Умумий майдони 841,8 минг кв.м. ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,7 % якка тартибда қурилган тураг жойларда ишга туширилди.


Касалхоналар, амбулатор-поликлиника муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари янги қурилиши ва реконструкцияси учун 85,2 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу соғлиқни сақлаш фаолият турига ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 57,3 % ини ташкил этди.

Таълим жараёнини сифатини ошириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар қурилиши ва реконструкцияси учун жами 99,8 млрд. сўм ўзлаштирилиб, таълим фаолият турига ўзлаштирилган жами инвестицияларнинг 43,3 % ини ташкил этди.

Қурилиш ишлари

2020 йил январь-сентябрида 3 389,7 млрд. сўм ёки 2019 йил январь-сентябрига нисбатан 104,2 % қурилиш ишлари бажарилди.

Худудлар кесимида қурилиш ишлари ўсиш суръати




Қурилиш ишлари бўйича юқори ўсиш суръатлари қуйидаги ҳудудларда кузатилди: Бойсун туманида 105,1 %, Музработ туманида – 106,7 %, Термиз шаҳрида 109,7 % ва Сариосиё туманида 101,3 %.

Худудлар кесимида курилиш ишлари

	Жами, млрд. сўм	ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсии суръати, % да	умумий ҳажмга нисбатан, % да
Сурхондарё вилояти	3 389,7	104,2	100,0
Термиз ш.	906,3	109,7	26,7
<i>туманлар:</i>			
Олтинсой	58,9	101,8	1,7
Ангор	133,0	103,1	3,9
Бандиҳон	27,2	100,8	0,8
Бойсун	236,0	105,1	7,0
Денов	251,8	103,4	7,4
Жарқўрғон	183,3	100,3	5,4
Қизириқ	102,6	100,2	3,0
Қумқўрғон	120,4	100,6	3,6
Музработ	149,0	106,7	4,4
Сариосиё	615,4	101,3	18,2
Термиз	193,6	101,0	5,7
Узун	92,3	101,4	2,7
Шеробод	226,5	103,1	6,7
Шўрчи	93,4	101,9	2,8

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми
(млрд. сўм)**



Жами қурилиш ишларидан 75,7 % янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта қуроллантириш ишларига тўғри келади, шунингдек, 24,3 % ини капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари ташкил этди.

Хисобот даврида бино ва иншоотлар қурилиши бўйича бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 2 2281,1 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 103,0 % ни, мос равишда, фуқаролик қурилиши объектлари бўйича қурилиш ҳажми 888,7 млрд. сўмни (ёки 103,8 % ни), ихтисослаштирилган қурилиш ишлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми 219,9 млрд. сўм (ёки 120,1 % ни) ташкил қилди.


V. ХИЗМАТЛАР

Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган хизматлар соҳасининг аҳамияти жуда улкан ва долзарб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнларининг тобора мураккаблашиб бораётганлиги, бозорни кунлик ва индивидуал талабларга мос истеъмол моллари билан тўлдириш, инновацион ривожланишнинг жадал ўсиши жамият ҳаётининг янгиланишига олиб келади. Бу ахборот, молия, транспорт, сугурта ва бошқа турдаги хизматларсиз амалга ошмайди.

Замонавий жамият ҳаётида хизматлар соҳаси жуда кенг тарқалган ҳодиса ҳисобланади. Бугунги кунда у ёки бу турдаги хизматлар кўрсатмайдиган ёки ҳеч бўлмагандга унга дуч келмаган корхоналар деярли йўқ.

2020 йил 1 октябрь ҳолатига вилоятда 24,5 минг фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар қайд этилди. Шундан, хизматлар соҳасида 14,9 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 21,2 % га кўпайди.

**Хизматлар соҳасига тааллуқли фаолият кўрсатаётган корхоналар
ва ташкилотлар сони, минг бирликда
(фермер ва дебқон хўжаликларидан ташқари)
01.10.2020 йил ҳолатига**



Инновацион хизматларни жорий этиш ва анъанавий хизматларни ривожлантириш бўйича аниқ мақсадли комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ишлаб чиқарилган бозор хизматлар ҳажмини ошишига олиб келди. Натижада, 2020 йил январь-сентябрь ойларида хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 5 645,4 млрд. сўмни ташкил этди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,3 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш
(2020 йил январь-сентябрь ойлари учун)


	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Ўсиши суръати, %</i>	<i>Жамига нисбатан %</i>
Хизматлар – жами	5 645,4	102,3	100,0
<i>шу жумладан асосий турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	279,9	108,2	4,9
молиявий хизматлар	1 129,3	129,1	20,0
транспорт хизматлари	914,1	102,1	16,2
шу жумладан: автотранспорт хизматлари	871,8	101,0	15,4
яшаш ва овқатланиш хизматлари	163,2	85,3	2,9
савдо хизматлари	2 187,3	98,3	38,7
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	145,5	84,8	2,6
таълим соҳасидаги хизматлар	185,1	119,1	3,3
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	65,8	97,0	1,2
ижара хизматлари	118,7	80,4	2,1
компьютерлар ва майший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	140,9	88,7	2,5
шахсий хизматлар	147,3	90,3	2,6
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	55,1	69,8	1,0
бошқа хизматлар	113,2	84,2	2,0

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида юқори ҳажм савдо хизматлари (2 187,3 млрд. сўм), молиявий хизматлар (1 129,3 млрд. сўм) ва транспорт хизматлари (914,1 млрд. сўм)га тўғри келади.

Энг кичик ҳажм меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (55,1 млрд. сўм) соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (65,8 млрд. сўм), бошқа хизматлар (113,2 млрд. сўм), ижара хизматлар (118,7 млрд. сўм), компьютерлар ва майший товарларни таъмирлаш (140,9 млрд. сўм)га тўғри келади.

Хисобот даврида энг юқори ўсиш суръатлари молиявий хизматлар - 129,1 %, таълим хизматлар 119,1 %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари- 108,2 %, транспорт хизматлари – 102,1 % ўсишга эришилди.

Иқтисодиёт фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган бозор хизматларининг ўсиш суръатлари, % (2020 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Таққослаш учун, 2020 йил январь-сентябрь ойларида молиявий хизматлар 129,1 %, таълим хизматлар ўсиш суръати – 119,1 %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ўсиш суръати – 108,2 %ни ташкил қилди.


Хизматлар таркибида савдо хизматлари (38,7 %), молиявий хизматлар (20,0 %) ва транспорт хизматлари (16,2%), улуши устунлик қилган.

Хизматлар умумий ҳажмида паст улушлар меймандишик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (1,0 %), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (1,2 %) шунингдек бошқа хизматлар (2,0 %)га тўғри келган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби

(2020 йил январь-сентябрь ойлари учун)

Хизматлар таркибида савдо хизматлари – 38,7 % улуш билан етакчи ўринни эгаллайди.



Ахборот технологияларининг ривожланиши замонавий инсоннинг турмуш тарзига сезиларли даражада таъсир қиласи. Йилдан - йилга одамлар Интернет ва мобиъе телефонлардан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга ошириш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлмоқда. Замонавий бизнесни ривожлантиришда ахборот ва хизматлардан реал вақтда масофавий эркин фойдаланиш хуқуқи муҳим ўрин тутади.


Бугунги кунда вилоятда ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқаруви тизимида, иқтисодиётнинг тармоқларида, ижтимоий соҳа ва одамларнинг кундалик ҳаётида жорий этишни изчил амалга оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини яхшилаш, АҚТ соҳасидаги инновацияларни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш алоқа ва ахборотлаштириш хизматларини ҳажмини оширишга таъсир кўрсатди.

2020 йил январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 279,9 млрд. сўмга teng бўлди. 2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиши 108,2 % ни ташкил этди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари таркиби, %да

(2020 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Пул-кредит тизимини ислоҳ қилиш дастурида банк тизимини барқарорлигини таъминлаш, халқаро стандартларга мувофиқ банк фаолиятини янада такомиллаштириш, қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, банк ва суғурта ташкилотларига кўрсатиладиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги хизмат турларини жорий этиш, молиявий хизматлар ҳажмини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Натижада, 2020 йил январь-сентябрь ойларида кўрсатилган молиявий хизматлар ҳажми 1 129,3 млрд. сўмга teng бўлиб, ўсиш 129,1 % ни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш


(2020 йил январь-сентябр ойлари учун)

	Жами			Аҳоли жон бошига	
	млрд. сўм	2019 йил январь- сентябрга нисбатан %	Жами хизматлар ҳажсимида худудларнинг улуши, %	минг сўм	2019 йил январь- сентябрга нисбатан %
Сурхондарё вилояти	5 645,4	102,3	100,0	2 131,8	100,1
Термиз шаҳар	2 587,4	103,3	45,8	14 311,1	101,7
<i>туманлар:</i>					
Ангор	136,4	100,6	2,4	1 024,6	98,3
Бандиҳон	35,8	101,0	0,6	473,6	95,3
Бойсун	120,1	101,8	2,1	1 033,3	104,4
Денов	1 000,0	102,4	17,7	2 581,4	97,6
Жарқўрғон	189,3	101,0	3,4	862,8	98,9
Қизириқ	143,6	100,9	2,5	1 254,5	88,3
Қумқўрғон	204,6	101,6	3,6	868,3	107,8
Музработ	190,9	100,9	3,4	1 340,3	98,8
Олтинсой	152,6	100,7	2,7	858,2	98,4
Сариосиё	221,5	100,7	3,9	1 051,0	97,6
Термиз	132,9	100,3	2,4	1 712,4	96,8
Узун	155,2	101,8	2,8	900,9	99,8
Шеробод	173,1	100,4	3,1	888,8	98,1
Шурчи	202,0	101,0	3,6	962,1	99,3

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари миллий ва маҳаллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда вилоятнинг ҳар бир иқтисодий шаҳар ва туманларининг барча ресурсларидан оқилона фойдаланишга боғлиқдир.

Худудлар орасида юқори ўсиш суръатлари Термиз шаҳри (103,3 %), Денов тумани (102,4 %), Бойсун тумани (101,8 %) ва Узун туманига (101,8 %) тўғри келди.


**Худудлар кесимида ишлаб чиқарилган хизматларнинг ўсиш суръати,%
(2020 йил январь-сентябрь ойлари учун)**



Энг паст ўсиш суръатлари Термиз (100,3 %), Шеробод (100,4 %) ва Ангор (100,6 %) туманларида кузатилди.

2020 йил январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 2131,8 минг сўмни ташкил қилди. Ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 100,1 % ни ташкил этди.

**Худудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор
хизматларининг ҳажми ва ўсиш суръати
(2020 йил январь-сентябрь ойлари учун)**



Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юқори кўрсаткич Термиз шаҳрида – 14 311,1 минг сўмга тенг бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,7 % ни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг паст кўрсаткичи Бандихон (473,6 минг сўм), Олтинсой (858,2 минг сўм) ва Жаркўргон (862,8 минг сўм) туманларида кузатилди.

Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, унинг таркибини, етарлича ривожланган жамият ва ривожланган эҳтиёжлар билан такомиллаштириш мумкин ва бу умуман ҳаёт сифати каби ходиса билан боғлиқ, чунки турли эҳтиёжларни кондириш жараёни ҳаёт сифатининг муайян стандартини яратади.

VI. ТРАНСПОРТ

Давлатлар ўртасида транспорт алоқаларини ривожлантириш аввало халқларни бирлаштириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва маданиятларни ўзаро бойитишнинг асосий воситаларидан бири эди. Қадим замонларданоқ транспорт йўналишлари давлат даромадларининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Вақт ўтиши билан транспорт ҳаётимизнинг ажralмас кисмига айланди.


2018-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, шунингдек йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимиға ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш кўзда тутилган.

Транспорт соҳасига вилоятда 800 та корхона ва ташкилот жалб қилинган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 107,8 фоизни ташкил қилди. 2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан бу кўрсаткич 58 тага кўпайди.

Транспорт соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона

ва ташкилотларнинг таққосланиши

(фермер ва дебқон хўжаликларидан ташқари)



Юк ташиш. 2020 йил январь-сентябрда барча транспорт корхоналари томонидан 50,2 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 104,5 фоизга кўп.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 698,7 млн. тн-км. ни ташкил қилди ва 103,1 фоизга кўпайди.

**Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича
куйидагича ифодаланади**

	<i>2020 йил январь-сентябрь</i>	<i>2019 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
--	-------------------------------------	---

Ташилган юк, млн. тн	50,2	104,5
----------------------	------	-------

шу жумладан:

автомобил транспортида	50,2	104,5
------------------------	------	-------

Юк айланмаси, млн. тн-км	698,7	103,1
--------------------------	-------	-------

шу жумладан:

автомобил транспортида	698,7	103,1
------------------------	-------	-------

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2019 йил январь-сентябрга нисбатан -3,8 фоизга камайди ва 260,0 млн. тн-км.ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 37,2 фоизни ташкил этди (2019 йил январь-сентябрда 39,9 фоиз).


**Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш
ва йўловчи айланмаси**

	<i>2020 йил январь- сентябрь</i>	<i>2019 йил январь- сентябрга нисбатан, %да</i>
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	178,8	90,0
шу жумладан, автомобил транспортида	178,8	90,0
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	4094,6	90,3
шу жумладан, автомобил транспортида	4094,6	90,3

Йўловчи ташиш. 2020 йил январь-сентябрда барча транспорт турлари томонидан 178,8 млн киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 90,0 фоизни ташкил қилди. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 90,3 фоизни ташкил қилиб, 4094,6 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2019 йил январь-сентябрьга нисбатан -10,3 фоизга камайди ва 3199,3 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 78,1 фоизни ташкил этди (2019 йил январь-сентябрда 78,6 фоиз).


**Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича
қўйидагича ифодаланади**



VII. ИСТЕЙМОЛ БОЗОРИ


Вилоят бўйича 2020 йил январь-сентябр ойларида чакана савдо товар айланмаси 8538,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,7 % га камайди. Шу жумладан, йирик корхоналарнинг товар айланмаси 791,1 млрд. сўмни (5,9 % га камайган), кичик тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 7747,5 млрд. сўмни (7,9 % га камайган), шундан уюшмаган савдо товар айланмаси 822,8 млрд. сўмни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 38,2 % га камайган) ташкил этди.

**Худудлар кесимида чакана савдо товар айланмаси ҳажми
(млрд. сўм)**



2019 йилнинг шу даврига нисбатан Денов (0,8% га кўпайиб), Бандихон (0,3 % га кўпайиб) туманларида ва Термиз шаҳрида (0,2 % га кўпайиб), вилоятнинг колган худудларида чакана савдо товар айланмасининг пасайиш суръатлари кузатилиб, Термиз (76,6 %), Қизириқ (82,8 %), Музработ (84,4 %), Кумкўргон (84,9 %), Жарқўргон (85,0 %), ва Олтинсой (85,4%) туманларида қайд этилди.

Чакана савдо товар айланмасининг ўсиш суръатлари, (%)



Чакана савдо товар айланмаси таркибидаги йирик корхоналарнинг товар айланмаси ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,7 % га камайди ва 791,1 млрд. сүмни ташкил қилди. Бу эса умумий савдо ҳажмининг 9,3 % улушкига тұғри келади.


Кичик тадбиркорлық субъектларининг чакана савдо товар айланмаси ҳажми статистик ҳисоб-китобларга кўра, 7747,5 млрд. сүмни ташкил этиб, 2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 7,9 % га камайди, вилоят миқёсида ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улушки 90,7 % га teng келмоқда.

Чакана савдо товар айланмаси таркиби, (%)


2019 йил январь-сентябрь



2020 йил январь-сентябрь



Чакана савдо айланмасида йирик корхоналар ва кичик тадбиркорликнинг улуши, (%)




Таҳлилий натижаларга кўра, чакана савдо товар айланмасида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши бўйича Музработ (98,7%), Узун (98,0 %), Қизириқ (97,8 %) ва Кумқўргон (97,6 %) туманлари етакчилик қилмоқда.

Чакана товар айланмаси таркибида йирик корхоналарнинг улуши 9,3 % ни ташкил этиб, энг катта улуш Термиз шаҳрида (29,4 %), Термиз (18,5 %) ва Шўрчи (5,2 %) туманларида кузатилган.

Чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Денов (24,7 %), Термиз шаҳри (20,2 %), Шўрчи (8,5%), Жарқўргон (5,2%), Шеробод (5,0 %) Олтинсой (4,9 %) ва Сариосиё (4,7 %) туманлари чакана савдо товар айланмасининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

Шаҳар ва туманлар кесимида жами чакана савдо товар айланмасининг улуши, фоизда



**Кичик тадбиркорлик ва йирик корхоналарнинг
чакана савдо товар айланмасидаги ҳажми**

	Йирик корхоналар (млрд. сўм)	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, % да	Кичик тадбиркорлик (млрд. сўм)	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, % да
Сурхондарё вилояти	791,1	94,3	7 747,5	92,1
Термиз ш	507,2	83,9	1 215,2	109,0
Олтинсой	15,2	150,0	399,8	84,1
Ангор	12,4	96,6	322,7	90,6
Бандиҳон	1,6	-	30,0	90,6
Бойсун	10,6	64,5	343,0	88,8
Музработ	5,2	3,1 м	388,3	83,3
Денов	94,6	197,5	2 014,6	98,5
Жарқўргон	21,7	96,2	423,2	84,5
Кумқўргон	9,5	69,3	383,9	85,4
Қизириқ	7,8	67,4	349,1	83,2
Сариосиё	20,1	110,1	384,1	86,7
Термиз т	24,5	74,9	108,3	77,0
Узун	5,8	2,2 м	285,0	87,3
Шеробод	16,6	87,9	408,4	88,7
Шўрчи	38,3	153,2	691,9	86,7

2020 йил январь-сентябрь ойларида чакана савдо товар айланмаси вилоят бўйича аҳоли жон бошига 3224,3 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,7 % га камайган. Аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида ўтган йилга нисбатан вилоятимизнинг барча худудларида ўсиш кўрсаткичларини ташкил этиб, энг юкори кўрсаткичлар Термиз шаҳри (9 526,7 минг сўм), Денов (5 459,9 минг сўм), Шўрчи (3 487,2), Қизириқ (3 125,7 минг сўм), Бойсун (3 051,3 минг сўм) ва Музработ туманлари (2771,1 минг сўм) хиссасига тўғри келади.

Аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси

	Минг сўм	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, % да
Сурхондарё вилояти	3 224,3	90,3
Термиз ш	9 526,7	80,6
Олтинсой	2 341,8	83,7
Ангор	2 525,5	89,0
Бандихон	420,1	91,0
Бойсун	3 051,3	89,9
Музработ	2 771,1	82,6
Денов	5 459,9	96,3
Жарқўрғон	2 033,2	83,5
Қумқўрғон	1 674,7	90,3
Қизириқ	3 125,7	74,9
Сариосиё	1 923,9	85,2
Термиз т	1 715,1	106,7
Узун	1 691,5	86,8
Шеробод	2 188,7	86,9
Шўрчи	3 487,2	87,5


Жумладан, 2020 йил январь-сентябрь ойлари мобайнида чакана савдо товар айланмаси таркибида овқатланиш ташкилотларининг савдо айланмаси 1,5 % ни ташкил этиб, 129,7 млрд. сўмга етди ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 20,7 % га камайди. Бунда жами савдо айланмасининг 88,2 % улуши кичик тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келмоқда.

Улгуржи савдо товар айланмаси

Йил бошидан вилоят бўйича улгуржи савдо товар айланмаси 1 887,8 млрд. сўмни ташкил қилди ва 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 7,0 % га камайди.

Улгуржи савдо товар айланмасида энг юқори ҳажм кичик тадбиркорлик субъектларига тўғри келиб, мазкур ҳажм 2020 йил январь-сентябрь ойлари якунларига кўра, 1 177,1 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15,9 % га камайди. Ушбу секторнинг умумий улгуржи савдо айланмасидаги улуши эса 62,4 % ни ташкил қилмоқда. Бу кўрсаткич бошқа туманлар билан таққослаганда, Музработ (11,1 %) Қумқўргон (15,3 %), Бандихон (17,0 %), Олтинсой (31,0 %), Қизириқ (31,8 %), ва Жарқўргон (36,1 %) туманларида паст бўлган.

**Йирик ва кичик корхоналарнинг
улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши, (%)**




Улгуржи савдо айланмасининг таркибида йирик корхоналар айланмасининг улуши 37,6 % ни ташкил этди, йирик корхоналарнинг аксарияти Музработ (88,9 %), Қумқўргон (84,7 %), Бандихон (83,0 %) ва Олтинсой (69,0 %) туманларида кузатилди.

Худудлар кесимида улгуржи савдо ҳажми

	Жами (млрд. сўм)	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, % да	Йирик корхона-лар (млрд. сўм)	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, % да	Кичик корхона-лар (млрд. сўм)	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, % да
Сурхондарё вилояти	1 887,8	93,0	710,7	112,8	1 177,1	84,1
Термиз ш	477,1	89,1	135,1	77,0	342,0	95,0
Олтинсой	48,8	73,5	33,6	92,4	15,2	50,6
Ангор	55,9	68,1	6,2	45,9	49,7	72,5
Бандихон	7,4	3,7 м	6,1	-	1,3	62,1
Бойсун	13,4	69,0	1,0	112,1	12,4	66,9
Музработ	51,2	73,7	45,5	74,4	5,7	68,5
Денов	496,5	105,9	124,1	156,3	372,4	95,7
Жарқўргон	220,3	100,7	140,8	136,3	79,5	68,8
Қумқўргон	139,5	167,9	118,1	2,4 м	21,4	63,6
Қизириқ	67,7	104,0	46,2	143,2	21,5	65,5
Сариосиё	89,4	69,9	4,8	45,5	84,6	72,1
Термиз т	109,0	77,9	5,4	40,4	103,6	81,9
Узун	16,6	58,7	4,9	68,5	11,7	55,4
Шеробод	46,5	64,4	18,1	52,7	28,4	75,0
Шўрчи	48,5	93,9	20,8	159,0	27,7	71,9

Худудлар кесимида улгуржи савдо товар айланмасининг ўтган йилга нисбатан ўзгариш суръатлари, (%)



Улгуржи товар айланмасида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан энг қуий ўсиш суръати Узун туманида (58,7) ва энг юқори ўсиш эса Бандиҳон туманида (3,7 м.) қайд этилган.

VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

2020 йил январь-сентябрда ташқи савдо айланмаси 286,6 млн. АҚШ долларини, жумладан 151,7 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари, 134,9 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг сальдоси 16,8 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

**2020 йил январь-сентябрда МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида
вилоятнинг ташқи савдо айланмаси
(минг АҚШ доллари)**

	январь-сентябр		<i>2019 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
	2019 й.	2020 й.	
Ташқи савдо айланмаси	393 641,9	286 641,4	72,8

шу жумладан:

МДҲ давлатлари	98 772,8	93 136,5	94,3
бошқа давлатлар	294 869,1	193 504,9	65,6
Экспорт	186 279,0	151 694,3	81,4


шу жумладан:

МДҲ давлатлари	36 286,0	41 601,6	114,6
бошқа давлатлар	149 993,0	110 092,7	73,4
Импорт	207 362,9	134 947,1	65,1

шу жумладан:

МДҲ давлатлари	62 486,8	51 534,9	82,5
бошқа давлатлар	144 876,1	83 412,2	57,6

**2019-2020 йил январь-сентябрда вилоят ташқи савдо айланмасида
МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши, %**




2020 йил январь-сентябрда вилоят экспорт-импорти таркиби

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидағи улуши, фоиз ҳисобида		Хәжмидағи ўзгарии, фоиз ҳисобида
	2019 йил январь-сентябрь	2020 йил январь-сентябрь	
Экспорт структураси	100,0	100,0	81,4
Озиқ-овқат махсулотлари ва тирик ҳайвонлар	65,6	51,7	64,2
Ичимликлар ва тамаки	-	0,1	-
Ноозик-овқат хомашё, ёқилғидан ташқари	4,8	11,2	192,7
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхша什 материаллар	-	-	82,4
Хайвонлар ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	0,7	1,3	149,6
Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхша什 махсулотлар	-	0,2	21,7 м.
Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари	27,6	31,4	92,6
Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари	0,1	0,1	40,6
Турли хил тайёр буюмлар	0,1	2,9	25,4 м.
Хизматлар	1,1	1,1	78,5

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариши, фоиз ҳисобида 2019 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2019 йил январь-сентябр	2020 йил январь-сентябр	
Импорт таркиби	100	100	65,1
Озиқ-овқат махсулотлари ва тирик ҳайвонлар	14,7	15,2	67,4
Ичимликлар ва тамаки	0,2	-	-
Ноозиқ-овқат хомашё, ёкилғидан ташқари	3,4	5,1	99,7
Минерал ёкилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	0,1	1,4	6,4 м.
Хайвонлар ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар	0,5	0,3	36,4
Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш махсулотлар	2,2	4,6	132,8
Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари	14,7	37,2	164,8
Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари	55,9	31,1	36,1
Турли хил тайёр буюмлар	8,3	5,1	40,3
Хизматлар	-	-	48,3

**Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**




**2020 йил январь-сентябрда вилоят ташқи савдо айланмасида
катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси**

<i>Вилоят товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида</i>	<i>2019 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Хитой	33,0
Россия Федерация	13,0
Афғонистон	11,5
Покистан	8,5
Қозоғистон	7,9
Туркия	6,3
Қирғизстон	5,4
Тожикистон	4,1
Корея Республикаси	1,5
Сингапур	1,1
Ҳиндистон	1,0
Германия	1,0
Украина	1,0
Литва	0,9
Италия	0,6
Эрон	0,5
Беларус	0,5
Латвия	0,4
Туркманистон	0,4
Озарбайжон	0,2
Эстония	0,1
Чехия Республикаси	0,1
Полша	0,1
Австрия	0,1
Нидерландия	0,1
АҚШ	0,1
Бошқа давлатлар	0,6


2020 йил январь-сентябрда МДХ ва бошқа хорижий давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби

**Экспорт
МДХ**



- Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар
- Ичимликлар ва тамаки
- Ноозик-овқат хомашё, ёқилғидан ташқари
- Ҳайвонлар ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар
- Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар
- Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари
- Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари
- Турли хил тайёр буюмлар
- Хизматлар


Бошқа хорижий давлатлар



- Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар
- Ноозик-овқат хомашё, ёқилғидан ташқари
- Ҳайвонлар ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар
- Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар
- Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари
- Турли хил тайёр буюмлар
- Хизматлар


Импорт

МДХ



- Озиқ-овқат махсулотлари ва тирик хайвонлар
- Ноозик-овқат хомашё, ёқилгидан ташқари
- Минерал ёқилғи, ёглаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар
- Хайвонлар ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёглар ва мумлар
- Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш махсулотлар
- Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари
- Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари
- Турли хил тайёр буюмлар

БОШҚА ХОРИЖИЙ



- Озиқ-овқат махсулотлари ва тирик хайвонлар
- Ноозик-овқат хомашё, ёқилгидан ташқари
- Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш махсулотлар
- Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари
- Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари
- Турли хил тайёр буюмлар

Мева ва сабзавотлар


2020 йил январь-сентябрь ойларида мева ва сабзавот махсулотлари экспорти 69 942,5 минг АҚШ долларни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 62,1 фоизни ташкил этди. Мева ва сабзавот махсулотлари жами экспортга нисбатан улуши 46,1 фоизни ташкил қилди.

Жами мева ва сабзавот махсулотлари экспортида мева ва резаворлар 9,4 фоизга (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 27,6 фоиз) камайди, сабзавотлар - 84,4 фоизга (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 40,7 фоизга) камайди, узум - 3,8 фоизга (0,3 фоизга) ошди. Ер ёнғоқ - 1,3 фоизни ташкил этиб (0,1 фоизга) ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ошди.



Мева ва сабзавот экспортида асосий ҳамкорлар Афғонистон (умумий миқдори 33,7 фоизни), Покистон (умумий миқдори 25,7 фоизни), Россия (21,3 фоизни), Қирғизистон (11,2 фоизни), Қозогистон (4,7 фоизни), Украина (0,9 фоизни), Тожикистон (0,6 фоизни), Беларус (0,5 фоизни) ва Озарбайжон (0,4 фоизни) давлатлари ташкил қилди.

Йирик ҳамкор давлатлар билан мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт



Түқимачилик маҳсулотларини экспорти

2020 йил январь-сентябрь ойларида жами экспортда түқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажми 52 222,3 минг АҚШ долларини, улуши эса 34,4 фоизни ташкил қилди ёки ўтган йил шу даврига нисбатан 4,4 фоизга камайди.

	Минг АҚШ доллар	Улуши, %	Ўсиш суръатлари, %
Түқимачилик шу жумладан:	52 222,3	100	95,6
йигирилган ип, пахта	44 441,6	85,1	91,6
пахта мато	1 051,6	2	38,4
ипак	2 193,4	4,2	69,4
Бошқалар	4 535,8	8,7	2 085,8

IX. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 6395 та кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 77,9 % га кўп демакдир.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига (33,2 %), савдо соҳасида (28,0 %), саноат тармоғига (24,5 %), қурилиш тармоғига (4,1), яшаш ва овқатланишда (3,2 %) ва ташиш ва сақлашда (1,3 %) ташкил этган.

**2020 йилнинг январь-сентябрда кичик тадбиркорликнинг
асосий кўрсаткичлари**

	Ўлчов бирлиги	2019 йил январь- сентябрь	2020 йил январь- сентябрь	(+/-)
Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони	бирлик	15 000	21 775	6 775
Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар	бирлик	3 593	6 395	2 802
ЯИМ	%	78,1	76,0	-2,1
Саноат	%	47,1	41,9	-5,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчиликхўжалиги	%	98,9	98,2	-0,7
Инвестиция	%	62,3	60,8	-1,5
Қурилиш	%	83,9	85,9	2,0
Савдо	%	90,9	90,7	0,2
Хизматлар	%	70,8	67,6	-3,2
Юқ ташиш	%	75,2	72,7	-2,5
Юқ айланмаси	%	87,2	86,1	-1,1
Йўловчи ташиш	%	93,5	93,7	0,2
Йўловчи айланмаси	%	95,9	95,8	-0,1
Экспорт	%	76,4	56,8	-19,6
Импорт	%	83,9	92,1	8,2


**Вилоят бўйича янги ташкил топган кичик корхона
ва микрофирмалар, бирликда**

	<i>2019 йил январь-сентябрь</i>	<i>2020 йил январь-сентябрь</i>
Сурхондарё вилояти бўйича	3 593	6 395
Термиз шахри	684	659
туманлар:		
Ангор	180	246
Бандиҳон	-	198
Бойсун	139	371
Денов	501	811
Жарқўрғон	247	499
Қумқўрғон	236	689
Қизириқ	192	443
Музработ	141	285
Олтинсой	121	318
Сариосиё	153	256
Термиз	302	368
Узун	199	329
Шеробод	205	429
Шўрчи	293	494

2020 йил январь-сентябрда янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар туманлар бўйича энг кўп Денов туманида - 811 та, Қумқўрғон туманида – 689 та, Термиз шахрида - 659 та, Жарқўрғон тумани – 499 та ва Шўрчи тумани - 397 татани ташкил этган.

Энг паст кўрсаткични Сариосиё тумани 256 та, Ангор тумани 246 ва Бандиҳон тумани 198 тани ташкил этган.

**2020 йил январ-сентябрь ойларида янги ташкил топган кичик корхона
ва микрофирмаларнинг худудлар бўйича улуши, %да**



2020 йил январь-сентябрь ҳолатига туманлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами миқдоридан энг кўп улуш Денов тумани – 12,7 %, Қумкўрон тумани – 10,8 %, Термиз шаҳар - 10,3 %, Жаркўрон тумани 7,8 % , Шўрчи тумани – 7,7 %, Қизириқ тумани 6,9 %, Шеробод тумани 6,7 %, Бойсун тумани 5,8 %, Термиз тумани 5,8 %, Узун тумани – 5,1 % ва Олтинсой тумани – 5,0 % ни ташкил қилди.

Энг паст кўрсаткич Сариосиё тумани - 4,0 %, Ангор тумани – 3,8 % ва Бандихон тумани – 3,1 %, ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган
кичик корхона ва микрофирмалар, бирликда**

	<i>2019 йил январь-сентябрь</i>	<i>2020 йил январь-сентябрь</i>
Жами	3 593	6 395
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	333	2 126
Саноат	806	1 566
Қурилиш	506	264
Савдо	1 287	1 792
Ташиб ва сақлаш	108	83
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	267	207
Ахборот ва алоқа	41	56
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	45	37
Бошқа фаолият турлари	200	264

2020 йил январь-сентябрда иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар энг кўп қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 2126 та,

шуунингдек:


савдо – 1 792 та;

саноатда – 1 566 та;

қурилишда - 264 та;

яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар - 207 тани ташкил этди.


Янгидан ташкил этилган корхоналар бўйича
 (шахар ва туманлар бирлиқда)



■ фарқ +/- ■ январь-сентябрь 2020 й ■ январь-сентябрь 2019 й

2020 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига рўйхатга олинган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) худудлар бўйича энг қўп кўрсаткич Термиз туманида 23,4 бирликда, Термиз шаҳрида 21,3 бирликда, Қизириқ туманида 14,2 бирликда, Бойсун туманида 12,7 бирликда, Шеробод туманида 10,6 бирликда, Музработ туманида 9,9 бирликда, Ангор туманида 9,4 бирликда, Жарқўргон туманида 9,3 бирликда, Олтинсой 9,0 бирликда, Қумқўргон туманида 8,7 бирликда, Узун, Шўрчи ва Денов туманларида ўртacha кўрсаткич 8,7 - 8,2 бирлик оралиғида аниқланди. Сариосиё ва Бандиҳон туманида 7,5 бирликда ушбу кўрсаткич паст бўлиб қолмоқда.


2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда)



■ 2020 йил январь-сентябрь

2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (хар 1000 аҳолига, бирликда) 8,1 бирликни ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 10,5 бирликни ташкил этди ва 2019 йилга нисбатан 2,4 бирликка ошиди.

**2020 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган
кичик тадбиркорлик субъектларининг сони**
(хар 1000 аҳолига, бирликда)



2020 йилнинг январь-сентябрида иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг саноатдаги улуши 41,9 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги - 98,2 %, қурилишда - 85,9 %, инвестицияда - 60,8 %, савдо - 90,7 %, хизматлар соҳасида - 67,6 %, экспортда - 56,8 % ва импортда - 92,1 % ни ташкил этди.




**Кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улушининг пасайиши
динамикаси январь-сентябрь ҳолатига, %**



2020 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуси 76,0 % ни ташкил қилди (2019 йилнинг январь-сентябрида 78,1 %). ЯИМ таркибида пасайиши йирик корхоналар улуси ошиши билан тушунтирилади.

**Кичик тадбиркорликнинг улуси
(умумий ҳажмига нисбатан %да)**



**2020 йил январь-сентябрида кичик тадбиркорликнинг
худудлар кесимида иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, (%)**

	Саноат	Курилиш	Хизматлар	Инвестиция
Сурхондарё вилояти бўйича	41,9	85,9	67,6	60,8
Термиз шаҳри	31,9	97,2	39,2	49,5
туманлар:				
Олтинсой	100,0	100,0	94,1	75,7
Ангор	89,6	100,0	85,2	72,1
Бандиҳон	100,0	87,7	94,4	100,0
Бойсун	94,8	100,0	96,3	50,7
Музработ	37,1	100,0	95,2	75,4
Денов	42,0	96,5	93,3	82,2
Жарқўрғон	28,1	95,9	89,1	48,5
Қумқўрғон	30,7	74,8	90,2	72,9
Қизириқ	82,2	94,5	94,2	55,3
Сариосиё	55,0	43,1	88,5	54,7
Термиз	91,3	99,6	81,6	61,2
Узун	100,0	64,3	89,2	74,4
Шеробод	24,5	94,2	93,5	46,5
Шўрчи	25,1	100,0	91,9	78,3


Худудлар бўйича **саноат соҳасининг юқори улушини Олтинсой (100,0 %), Бандиҳон (100,0 %) ва Узун (100,0 %) туманлари ташкил этади.**

Курилишда Олтинсой (100,0 %), Ангор (100,0 %), Бойсун (100,0 %), Музработ (100,0 %), Шўрчи (100,0 %) Термиз (99,6 %) ва Термиз шаҳри (97,2 %) туманлари ташкил этади.

Хизматлар соҳасида Бойсун (96,3 %), Музработ (95,2 %), Бандиҳон (94,4 %) ва Қизириқ (94,2 %) туманлари ташкил этади.


Инвестицияда Бандиҳон (100,0 %), Денов (82,2 %) ва Шўрчи (78,3 %) туманлари ташкил этади.

**Кичик тадбиркорликдаги экспорт (товар, хизмат)ларнинг,
жами экспорт хажмидаги улуши, %**



2020 йил январь-сентябрь ҳолатига ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорликдаги экспорт (товар, хизмат)ларнинг жами экспортдаги энг кўп улуши Ангор, Узун, Олтинсой, Музработ, Қизириқ, Бандиҳон туманларида - 100,0 %, энг паст кўрсаткични Денов тумани 41,1 %, Термиз шаҳри 33,2 % ва Шеробод тумани 28,3 % ни ташкил этди.


2020 йил январь-сентябрида худудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми



Худудлар бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Термиз шаҳри (237,7 млрд. сўм), Денов тумани (194,3 млрд. сўм), Жаркўрғон тумани (173,2 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келади. Бойсун (52,3 млрд. сўм), Музработ (33,2 млрд. сўм) ва Бандиҳон (1,7 млрд. сўм) туманларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.




**2020 йил январь-сентябрида худудлар бўйича кичик тадбиркорлик
(бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва суръати**



Худудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Денов тумани (2 014,6 млрд. сўм), Термиз шахри (1 215,2 млрд. сўм), Шўрчи (691,9 млрд. сўм), Жаркўргон (423,2 млрд. сўм) ва Шеробод (408,4 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.




**2020 йил январь-сентябрида вилоят бўйича кичик тадбиркорлик
(бизнес)да бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва суръати**



Худудлар бўйича энг кўп бажарилган қурилиш ишлари ҳажми Термиз шаҳри (880,5 млрд. сўм), Сариосиё (265,0 млрд. сўм), Денов (243,0 млрд. сўм) ҳамда Бойсун (236,0 млрд. сўм) туманларида қайд этилди.



**2020 йил январь-сентябрида худудлар бўйича кичик тадбиркорлик
